

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари**  
*(2015 йил 7 ноябр –14 ноябр)*

**№10**

**Тошкент – 2015**



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов 10 ноябрь куни Оқсаройда «ЛУКОЙЛ» нефть компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**

**Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон нефть-газ тармоғида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ушбу компания фаол иш юритаётганини таъкидлади.**

**Бугунги кунда «ЛУКОЙЛ» Ҳавзак, Шоди, Қўнғирот конлари ва Қандим конлар гуруҳи каби истиқболли газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақасидаги нефть-газ участкаларини ўрганиш бўйича инвестициявий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ҳамкорликдаги геология-қидирув ишлари доирасида Орол денгизи акваториясининг Ўзбекистон қисмида истиқболли углеводород конлари топилди. Компаниянинг мамлакатимиздаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирган жами инвестициялари ҳажми 5 миллиард доллардан ошди.**

**«ЛУКОЙЛ» айна пайтда энг илғор технологияларга асосланган Қандим газни қайта ишлаш заводи қурилишига киришди. Бу замонавий завод йилига 8 миллиард куб метр табиий газни чуқур қайта ишлаш қувватига эга бўлади.**

**Учрашувда В. Алекперов 2018 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган ушбу лойиҳа Ўзбекистон саноатини янада ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган 2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастури доирасида амалга оширилаётганини таъкидлади. «ЛУКОЙЛ» компанияси Ўзбекистон**

нефть-газ тармоғидаги инвестициявий лойиҳалар доирасида қабул қилган барча мажбуриятларини тўла ва ўз вақтида бажаришини қайд этди. Мулоқот чоғида жаҳон ва минтақа углеводород хом ашёси бозоридаги бугунги вазият юзасидан фикр алмашилди, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

## ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2016 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

11 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Депутатлар келгуси йилга шакллантирилган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишларида, шунингдек, асосий макроиктисодий кўрсаткичларда ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,1 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши назарда тутилаётганлигини алоҳида қайд этдилар. Ўтган 2014 йил якунларига кўра, яратилган жами иш ўринларининг тенг ярми ёки 480 мингги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Агар 2000 йилда иқтисодиётнинг бу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 49,7 фоизи меҳнат қилган бўлса, бугун бу рақамлар 77 фоизга етди.

2016 йилги Бюджетнома лойиҳасида микрофирма ва кичик корхоналарга мансуб бўлган хизмат кўрсатувчи корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача туширилиши таклиф этилмоқда. Бу мазкур корхоналар ихтиёрида 58,4 миллиард сўм қолдириш имконини беради.

## “ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ ТўҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек

2014 йил 25 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган тузатишларни амалга ошириш бўйича қонун ижодкорлиги ишлари дастури тўғрисида”ги фармойиши бу борадаги муҳим ҳужжатлар ҳисобланади. Уларда “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилган.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда халқаро қонунчиликнинг концептуал жиҳатлари ва электрон ҳукумат тизимларини ривожлантиришда сезиларли натижаларга эришган АҚШ, Германия, Австрия, Корея Республикасининг илғор тажрибаси ҳисобга олинган.

## **ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрга қадар мамлакатимизда Ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Ушбу ойликдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин хавфи юқори бўлган объектларда ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

## **ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЖАҲОН КЎРГАЗМАСИДА**

Италиянинг Милан шаҳрида “Expo Milano 2015” жаҳон кўргазмаси бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ ушбу кўргазмада мамлакатимиз компания ва ташкилотлари ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди. Ўзбекистон жаҳон бозорига замонавий машина ва техникалар, кийим-кечаклар, тайёр ип-газламалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа кенг турдаги товарларни етказиб бераётир. “Made in Uzbekistan” ёрлиғи туширилган бу маҳсулотлар юксак сифати билан хорижликларга манзур бўлмоқда, жаҳон бозорида кенг ўрин эгалламоқда. Жорий йил бошидан буён яна 830 корхона экспорт фаолиятига жалб қилинди. 2015 йил бошидан буён автобус, оқ цемент, суюқ ва газсимон аргон, травертин ва сопол кошинлар, маиший газ, электр ва комбинацияланган плиталар, автомобиль деталлари, пайвандлаш ускуналари, янги турдаги консерваланган маҳсулотлар ва бошқа турдаги қиймати 102 миллион доллардан зиёд 200 га яқин турдаги янги товарлар экспортга етказиб берилди.

Кўргазмада 500 квадрат метр жой эгаллаган Ўзбекистон миллий павильонида мамлакатимиз тарихи ва тараққиёти, улкан иқтисодий салоҳияти, эркин индустриал-иқтисодий зоналари ва қулай инвестициявий муҳити, ривожланган транспорт ва туризм инфратузилмаси, тарихий ва замонавий шаҳарларимиз, бой маданиятимиз намойиш этилди. Миллий колорит билан безатилган стендлар ўзига хос дизайни ва мазмунан бойлиги билан кўргазма иштирокчиларининг эътиборини тортди. Ўзбекистон миллий павильонига 700 мингга яқин одам ташриф буюрди. “Дунёни озиқлантириш, ҳаёт учун қувват” шиори остида ўтказилган кўргазмада мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ғалла мустақиллигига эришиш, биологик соф мева-сабзавотлар етиштириш, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш борасидаги ишлар ҳам намойиш этилган. Озиқ-овқат тайёрлаш, гўшт, сут, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, зираворлар ва доривор ўсимликлар, шунингдек, ўзбек миллий таомларига оид маълумотлар ҳавола қилинган. Ҳар бир бўлим мавзуси бўйича қизиқарли фильмлар ва роликлар кўрсатилган.

“Ехро Milano 2015” жаҳон кўргазмаси мамлакатимиз компания ва корхоналари АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Германия, Италия, Туркия ва бошқа мамлакатлар компания ва ташкилотлари билан Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга келишиб олинди. Италиянинг “NeLanka Group”, “Asso Development”, “AIGO”, “Eco Turism Toscana” каби компаниялари билан сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш, “Lupo Studio Tecnico” ва “Telecom Design” ташкилотлари билан илмий-техникавий соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланди.

## **ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ**

Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 ноябрь куни Иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Латвия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фан-таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, темир йўл, авиаташув, транзит, логистика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йил октябрь ойида Латвияга давлат ташрифи, Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг 2014 йил май ойида мамлакатимизга расмий ташрифи изчил тараққий этаётган ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Савдо-саноат, сармоя, транспорт ва юклар транзити, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сайёҳлик, стандартлаштириш, фан-таълим каби соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган. Иқтисодиёт, савдо ва саноат соҳасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олишга оид келишувлар амал қилмоқда. Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, мева-сабзавотлар, қайта ишланган нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, рангли металл ва бошқа товарлар экспорт қилади. Латвия мамлакатимизга ускуналар, транспорт воситалари, денгиз маҳсулотлари, пластмасса етказиб беради, логистика хизмати кўрсатади. 2014 йилнинг апрель ойида Рига шаҳрида Ўзбекистон савдо уйи очилди. Савдо уйига мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қуритилган мевалар ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2014 йилда бу кўрсаткич 245,7 миллион, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида қарийб 135 миллион долларни ташкил қилди. Ўзбекистонда Латвия сармояси иштирокида тузилган 32 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар мебелсозлик, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, полиграфия, транспорт ва логистика, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга ихтисослашган. Юртимизда Латвиянинг 16 компанияси ўз ваколатхонасини очган. Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Ўзбекистон ва Латвия ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада оширишдан, кенг кўламли савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди. Мамлакатларимиз юклар транзити, логистика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, илм-фан, сайёҳлик, хусусий тадбиркорлик каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга экани қайд этилди. Латвия делегацияси Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат самаралари, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун яратилаётган шароитлар, “Навоий”,

“Жиззах” ва “Ангрен” индустриал зоналаридаги имкониятлар билан таништирилди. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон бизнес-логистика ривожига уюшмаси ва Латвия стивидор компаниялари уюшмаси Рига портида қўшма корхона ташкил қилиш бўйича келишувга эришди. Бу Ўзбекистон экспортчиларининг Европа бозоридаги позицияларининг мустаҳкамланишига олиб келади.

## **БАНГЛАДЕШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ**

10 ноябрь куни “Ўзбектуризм” МКда Бангладешнинг Тошкентдаги элчиси Мосуд Маннан билан учрашув ўтказилди. Учрашув чоғида элчига Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти борасида маълумотлар берилди. Туризм соҳасида икки томонлама алоқаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, элчи бу борада ўз ҳаракатларини жадаллаштиришини таъкидлаб ўтди.

## **ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ КХДР ФУТБОЛЧИЛАРИНИ 3:1 ҲИСОБИДА МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТДИ**

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё қитъаси саралаш мусобақалари иккинчи босқичи еттинчи тури доирасида “Пахтакор” марказий стадионида КХДР терма жамоасини қабул қилди. Ўйиндан аввал терма жамоамиз ҳисобида 9, КХДР ҳисобида эса 13 очко бор эди. Ҳатто дуранг натижа ҳам ҳамюртларимизнинг гуруҳдан чиқиш имкониятларини анча пасайтириб юборарди. Шу боис футболчиларимиз ўйинни ҳужумкорлик билан бошлади. Жамоамиз аъзолари 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, очколари сонини 12 тага етказди ва гуруҳдаги мавқеини мустаҳкамлаб олди. Бизга нисбатан битта кўп ўйин ўтказган КХДР ҳисобида 13 очко бор. 17 ноябрь куни Яманга қарши ўйинда ғалаба қозониб, яққол биринчи ўринга чиқиб олишимиз мумкин.

## **ҚУЁШ ТИЗИМИ ЯҚИНИДА ЯНГИ САЙЁРА КАШФ ЭТИЛДИ**

АҚШ астрономлари Қуёш тизимида янги сайёрани кашф қилдилар. Ушбу сайёра жуда иссиқ бўлиб, унда ҳаёт бўлиши амри маҳол экан. Мутахассислар янги сайёра ҳақида кўпроқ маълумот тўплаш учун уни мунтазам кузатиб боришмоқда. У Қуёшдан 15 миллиард километр узоқликда экан.

## **ТОЖИКИСТОН АФҒОНИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАДА МУДОФААНИНГ 2-ЧИЗИҒИНИ ЯРАТМОҚДА**

“Толибон” радикал ҳаракатининг Афғонистон шимолида фаоллашуви муносабати билан Тожикистон чегаралар хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор бермоқда. Биринчи чизикда турган 16 минг чегарачига артиллерия ва ҳаво мудофааси воситаларига эга ҳарбий қўшилмалардан иборат иккинчи ҳимоя чизиги ташкил этилади. Тожикистон ва Афғонистон ўртасидаги чегара зонаси 1 300 км масофага чўзилиб кетган.

## **ИШИД РОССИЯГА “ТЕЗ ОРАДА” ТЕРАКТЛАР УЮШТИРИШ БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛГАН ВИДЕОНИ ЧОП ЭТДИ**

ИШИД жангарилари Россияга “тез орада” терактлар уюштириш билан таҳдид қилган видеони чоп этди. Видео мусиқа оҳанги остида рус тилида ёзилган. Унда Европага ҳам таҳдид қилинган.

## **РОССИЯ ТИВ: ИШИД СУРИЯ ВА ИРОҚДА КИМЁВИЙ ҚУРОЛ ИШЛАТМОҚДА**

Россия Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Мария Захарова ИШИД ва Яқин Шарқдаги бошқа террорчилик гуруҳлари захарли моддалар, жумладан ипритга эгалар, деб айтди. “ИШИД ва Яқин Шарқдаги бошқа радикал гуруҳлар кимёвий қурол ишлаб чиқариш учун зарур моддалар ва технологияларга эгалар ҳамда уларни борган сари фаоллик билан Сурия ва Ироқда қўлламоқдалар. Агар аввал гап улар томондан машиий ва саноат хлоридан кимёвий қурол сифатида фойдаланиш ҳақида кетган бўлса, унда ҳозир жанговор захарли моддалар, жумладан ипритдан фойдаланганлик ҳақида тасдиқланган маълумотлар бор”. Аввалроқ жангарилар хлор ва кимёвий фосфин каби кимёвий қуроллардан фойдаланганликлари маълум қилинганди.

## **ДАМАШҚДАГИ ҚУРОЛ-ЯРОҚ ОМБОРХОНАСИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ**

Дамашқ вилоятининг Бир-Касаб туманида ИШИД террорчилик гуруҳига қарашли бўлган автомобиллар ҳамда мина ва артиллерия снарядларидан иборат қурол-яроқ омбори йўқ қилинди. Бу ҳақда Россия Мудофаа вазирлиги



**вакили Игорь Конашенков хабар бермоқда. «Террорчиларга тегишли бўлган омборхона ва автомобиллар бутунлай йўқ».**

### **СУРИЯДА ЖАНГАРИЛАРНИНГ 277 ТА ОБЪЕКТИГА ЗАРБА БЕРИЛДИ**

**Россия жанговор авиацияси икки кун ичида Сурияда 85 та парвоз амалга ошириб, жангариларнинг Ҳалаб, Дамашқ, Латақия, Хама, Хомс ва Идлиб вилоятларидаги 277 та объектига зарба берди.**

**Ахборот соати раҳбари**

**Тугалов А**